O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 7 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 44 (7239)

Da'vat

Тасодифий кашфиётларни фақат ақли етилганларгина очади.

Блез ПАСКАЛЬ

Ibrat

Каттақўрғон шаҳридаги "Раим бобо" хусусий фирмаси раҳбари Зубайдулло Мўминов шу ҳудудда жойлашган 5-махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларининг 30 нафари учун шаҳар халқ банкида ҳисоб рақами очиб, 2 минг сўмдан пул қўйди ҳамда мустақиллик тенгдоши бўлган бу болалар 18 ёшга тўлгунига қадар ҳар йили ушбу саховатини такрорлаб туришни ваъда қилди.



2000 yil — Sog'lom avlod yili

ЁШ СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ



Пойтахтнинг Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими стадионида туман мактабгача таълим муассасаларининг «Соғлом авлод йили» ҳамда соғломлаштириш ва ёзги таътилни ўтказиш мавсумига бағишланган спартакиадаси бўлиб ўтди.

Тадбирда тумандаги 60 та болалар боғчаси, 243-, 249-мактаб ҳамда 16-спорт мактабининг ёш спортчилари қатнашдилар. Мусобақада болалар каратэ, таэквандо, миллий кураш, бадиий гимнастика, сузиш, шахмат-шашка, велосипед пойгаси, арқон тортиш каби спорт турлари бўйича беллашдилар.

Шу куни 52-, 107-, 432-, 441-, 522-болалар боғчалари кичкинтойлари бадиий гимнастика, 168-, 423-болалар боғчаси ширинтойлари каратэ, 169-, 248-болалар боғчаси жажжи ўғил-қизлари футбол бўйича ўзаро куч синашдилар.

Миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақада 102-болалар боғчаси ёш полвонлари I, 549-боғча болалари II, 146-боғча болалари III ўринни эгалладилар.



Туман ХТБ режасига кўра ҳафтанинг ҳар сешанба куни турли йўналишлар бўйича мусобақалар уюштирилади.

Тумандаги «Булоқ», «Чимбой», 14-спорт мактаби қошидаги сузиш ҳавзалари жажжи болакайлар хизматида. «Соғломжон — полвонжон», «Ким эпчилу, ким чаққон» (спорт эстафетаси), «Отам, акам ва мен — спортчилармиз» каби турли спорт байрамлари ўтказилаётир. Бу спорт байрамларига маҳалла , ота-оналар, ҳомийлар жалб қилинмоқда.

Мусобақа иштирокчиларига «Камолот», «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Суратларда: спартакиада мусобақаларидан лавҳалар.

М. ШАРИПОВА олган суратлар.

Mukofot

ЭЪТИБОР МЕВАЛАРИ

Соғлом авлод тарбияси Ватанимиз равнақи йўлидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу йўлдаги эзгу интилишларимиз ўз мевасини бермоқда. Қувончларимизни, миннатдорчилик туй-ғуларимизни таъриф этмоққа тил ожиз!

Ўзбекистон Миллий университетида, «Универсиада — 2000»да спортнинг шахмат тури бўйича ғолибаси, университетнинг фалсафа ижтимоий-сиёсий факультети II-курс талабаси Севара Юсуфалиевага «Тико» автомашинаси топширилиши тантанаси бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Кейинги йилларда мустақил Ўзбекистонни дунёга танитиш, унинг шуҳратини ёйиш, шарафини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар марказида спортнинг биринчи ўринда туриши бу ёш авлоднинг саломатлигини таъминлаш, жисмонан ёш авлодни шакллантириш, энг асосийси, эртамизни яратишдир.

Биз миллий университетдаги бу байрамона тантанада спорт ёшларимиз келажаги учун хизмат қилажагига яна бир бор амин бўлдик.

Университетнинг талаба ва ҳаваскор санъатқорлари ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилишга ўзгача файз бахш этди.

***

Ҳа, республикамиз кенг имкониятларга бой эканлигини, биргина спорт борасидаги ютуқларимиздан ҳам билсак бўлади.

Чунки спорт бу тинчлик, биродарлик элчиси сифатида халқаро майдонда доимо эътирофда.

Спорт бу жисмоний баркамолликнинг ягона воситасидир.

Миллий университетда бўлгани каби, худди шу куни Тошкент Давлат педагогика университети Чақириққача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия жамоасига ҳам «Тико» машинаси топширилди.

Бу совринга эришишда факультет декани Илҳом Икромовнинг меҳнати беқиёс бўлди.

Шунингдек Намангандаги катта тадбирда волейбол бўйича юқори натижани қўлга киритган университетнинг 10 нафар талабасига 10 минг сўмдан пул мукофоти ҳам топширилди.

Насриддин БОТИР, «Маърифат» мухбири

Imtihon —2000

САТРЛАРГА КЎЧГАН ТУЙҒУЛАР

Шу кунларда республикамиздаги барча битирувчи синфлар давлат аттестацияларини муваффақиятли топширмоқдалар. Айниқса, адабиётдан ўтказилган ижодий иш - иншо ўқувчи туйғуларининг нақадар соф, покиза эканлигини кўрсатди. Пойтахтдаги 21-,25- ва 274-мактабларда иншо ўтказилиши жараёни ва ижодий ишлар билан танишдик. Юсуф Мўминов номли 274- мактабнинг 11-«Г» синф ўқувчиси Азиза Юсупова «Ватан — саждагоҳим менинг» мавзусида тўлқинланиб ёзади: — **Муқаддас тупроқ, бағринг-да қанча-қанча буюк зотлар хоки бор! Сендаги ҳар бир майсада боболаримиз нафаси, ҳар зарра тупроқда улар камтарлиги, ҳар бир чўққида момолар ғурури яширинган. Қўлимда қалам, қошимда умидларим каби оппоқ қоғоз. Хаёлан тарих кўчаларига назар ташлайман. Не-не зотлар ўтди бу кўчалардан — соҳибқирон Темур, юлдузларга термулиб Улуғбек, тириклик ахтариб Ибн Сино, уфқларга ғазал битиб Нодира, даҳоликка дахлдор Форобий, қасоскор Тўмарис...**

Беихтиёр тупроқни секинроқ босаман. Боболар хоки бор деб ҳар бир майсани жон қадар ардоқлайман.

Ватан — она тупроқ, ҳар бир гиёҳни муқаддас билувчи шундай фарзандларимиз борлигидан суюнаман. Яна иншо варақлайман.

Шерали Илҳомов «Соғлом авлод — келажак пойдевори» мавзусидаги иншосида маънавий, жисмоний етук ва соғлом ёшлар Ватан қудратини оширишига умид қилади ва шундай ёзади:

Бизга чекма, ичма, ёмон йўлга юрма, спорт билан шуғуллан, армиядан қочма каби насиҳатлар қилишади. Айрим тенгдошларим булар оддий, майда гаплар, дейишади. Лекин шу оддий гаплар ўта зарурдир ва булар инсон тарбияли, маънавиятли бўлиши учун муҳим омиллардир. Ватан учун жонини фидо эта оладиган, соғлом, баркамол фарзандларнинг отаси бўлишни истайман.

Баракалла, Шерали дегим келди. Яхши ниятярим давлат, авлодларимиз соғлом бўлса, келажагимиз янада порлоқ бўлади.

Олим Хўжаев номидаги 21-мактаб муаллимаси Маҳсума Маҳмуджонова қўлимга бир даста иншоларни тутқазар экан, шогирдлари фикридан мамнун эканлигини таъкидлади.

11-«А» синф ўқувчиси Нодира Қорабоева: **«Мен шундай улуғ ва қутлуғ, ҳур ва озод юрт фарзанди эканимдан ғурурланаман. Биз ёшлар Ватанимиз тараққиёти йўлида Президентимизга мадад бўламиз»** деб, Муниса Саидғаниева эса **«Мен асримизнинг сўнгги йили, 2000-Соғлом авлод йилида ўрта мактабни битириб, Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида бор куч-қувватимни аямай хизмат қилишга ваъда бераман»** дея ёзган.

Айрим иншоларда китобий, баландпарвоз гаплар ҳам учрайди. Аммо қувончлиси, ҳар бир сатрда беғубор юрак туйғуси, Ватанга муҳаббат руҳи балқиб туради. Зеро, муҳаббат бор қалбда эзгулик бўлиб, ёвузликка йўл қолмайди. Асосийси ҳам шу.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, «Маърифат» мухбири

ЯПОНИЯНИНГ ОРОЛ БОЛАЛАРИГА ЁРДАМИ

Экологик танг вазиятда яшаётган Оролбўйи болаларига турли мамлакатлардан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда. Япония ҳукумати ўтган йил охирида Оролбўйи болаларига тиббий ёрдам кўрсатиш учун 4 миллион 700 минг долларлик грант ажратган эди. Яқинда ушбу грантни топшириш маросими бўлди. Унда иштирок этган Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кеко Накаяма хоним икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик, Оролбўйи халқига кўрсатилган ёрдам хусусида гапирди. Грант ҳисобидан олинган тиббий ускуналар республика ва Нукус шаҳар болалар касалхоналарига, марказий туғруқхоналарга ўрнатилди.

«Туркистон-пресс»

O'zimizni o'zimiz boshqaramiz

ЛИЦЕЙ БОШҚАРУВИ ЎҚУВЧИЛАР ҚЎЛИДА

Ҳар қандай демократик жамият ўтиш даври қийинчиликларига қарамай эркин бошқарувга эҳтиёж сезади. Биз ҳозир демократик жамият барпо этишга ҳаракат қилаётган бир пайтда бебаҳо бойлигимиз — мустақилликни қандай асрамоғимиз лозим, бунинг учун нима қилишимиз керак, деган саволга тезроқ амалий равишда жавоб бермоғимиз зарур.

Бунинг учун ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, хусусан уларга демократиянинг туб моҳияти бўлмиш ўзўзини бошқаришга руҳий тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада биз таҳсил олаётган ЎзДЖТУ қошидаги академик лицейда яқиндагина қўлланган усул диққатга сазовордир. Бу усул "эркин бошқарув" усулидир. Бу усулни қўллашдан мақсад ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини осонроқ топиб кетишига руҳий мадад беришдир.

Шундай қилиб, ҳар бир гуруҳ бошлиғи келишилган тартибда директор, ўқув ишлари бўйича директор муовини, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини каби лавозимларга галма-галдан тайинланиб турилди. Қолган фаол ўқувчилар турли фанлар бўйича ўқитувчи бўлдилар.

(Давоми 2-бетда)

ҚИЗЛАР КЛУБИ ИШ БОШЛАДИ

Яқинда Қашқадарё вилояти болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази Қарши шаҳридаги 1-катталар шифохонаси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод» йилига бағишлаб марказ қошида «Қизлар клуби»ни ташкил этди.

Клубнинг дастури ва низоми ишлаб чиқилди. Фаолиятини режа асосида давом эттириш учун тадбирлар белгилаб, масъул ходимларга вазифалар юклатилди. «Қизлар клуби»нинг дастури «Спорт — соғлом вужуд ва руҳ пойдевори», «Соғлом муҳит — соғлом тарбия гулшани», «Қизлар — бўлажак она», «Сиз турмушга тайёрмисиз?» ва «Инсон фазилати билан улуғ» каби мавзулардан иборат. Машғулот олиб борувчилар асосан тиббиётчилар, педагоглар, ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, ота-оналар, меҳнат фахрийларидан иборат бўлиб, клубга тўгарак аъзолари, ёш педагоглардан 50 киши аъзо бўлишди.

Ушбу машғулотлар асосан: очиқ мулоқот, савол-жавоб, баҳс- мунозара, ибратли оила аъзолари билан учрашув каби усулларда олиб борилади.

Машғулотлар жараёнида ўсмир қизларни кийиниши, муомаласи, уй-рўзғор тутиш маданияти, бола тарбияси, пазандалик, миллий ғоя ва қадриятларимизга ҳурмат каби масалалар хусусида ҳам сўз боради.

Д. БАҲРИДДИНОВА

JUMLADA JAHON

«Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

• «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат темир йўл ҳиссадорлик компанияси ҳамда Японияниг «Марубени корпорейшн» компанияси ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик доирасида мамлакатимизга юбориладиган 25 та узунлиги 26,5 метр келадиган янги конструкциядаги йўловчи ташиш вагонларининг ҳар бири 40 тадан ўринга эга.

• Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида бўлиб ўтган навбатдаги Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи идоралари да фуқаролар ва мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишда ҳамда юридик шахсларга нисбатан иқтисодий санациялар қўллашда қонунга риоя этилишини текшириш натижалари кўриб чиқилади.

• АҚШ президенти Билл Клинтон ўзининг Москва сафари давомида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ракета ҳужумига қарши курашдан тортиб, ер юзида тинчликни сақлаш билан боғлиқ ўнлаб масалалар юзасидан музокаралар олиб борди, ҳамда стратегик хавфсизликка қаратилган ҳужжатлар имзоланди.

• АҚШ маъмурлари томонидан фирибгарликда айбланиб, Сан-Франциско шаҳри қамоқхонасида ҳибсда сақланаётган Украинанинг собиқ бош вазири П. Лазаренко 1994-1998 йиллар мобайнида ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан 114 миллион долларни ўзлаштириб, АҚШ банклари ва брокерлик муассасалари ҳисобига ўтказганлиги ҳақида хабар берилди.

Сардор опаси билан боғчага борар эди. Опаси мактабга чиққач, Сардор ҳам тайёрлов гуруҳига бормай қўйган.

Соғинди дегунча Ғафур Ғулом Олматига йўл олган. Собит Муқонов эса "боурим" дея Тошкентга шошган.

ЛИЦЕЙ БОШҚАРУВИ ЎҚУВЧИЛАР ҚЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шахсан мен ўз вазифам бўйича ўқувчилар орасида кўпроқ маънавият-маърифат йўналишида иш олиб боришга ҳаракат қилдим. Лицей тақдири менинг ҳам қўлимда бўлгач, бу ишга масъулият билан қарашга, ҳатто айрим гуруҳларга кириб дарс ўтишимга ҳам тўғри келди. Шундай онларда мен ўқитувчилик қанчалик мушкул ишлигини, ўқувчилар билан ёппасига тил топишиш осон эмаслигини ҳис қилдим. Мен билан бирга ишлаган бошқа ўқувчилар ҳам қўлидан келганича ҳақиқий лавозим эгаларининг юзини ерга қаратмасдан, уларнинг номларига мос равишда ҳаракат қилдилар. Директоримиз Жуманазар Ҳасанов, ўқув ишлари бўйича директор муовини Наина Борзая, маънавият ишлари бўйича директор муовини Азиза Ғиёсова биздан ҳурсанд бўлишиб, ўз "вазифаларимиз"ни уддалай олганимиз учун миннатдорчилик изҳор этдилар. Олдимизга қўйилган вазифани сидқидилдан бажариб, яна ўқувчилик ҳаётимизга қайтдик...

Хуллас, бу усулдан кейин биз ўз-ўзимизни бошқара олиш кучига эга эканимизни, муаллимлик, устозлик ишининг қанчалик мураккаб, мушкуллигини, шу билан биргаликда қизиқарли эканлигини англаб етдик. Менимча, бу каби усуллар бошқа ўқув масканларида ҳам қўлланса, ўқувчиларда ўзига ишонч ортади, қилаётган ишида қатъиятлилик пайдо бўлади.

Мустақил, демократик, эркин жамиятимиз қурилишининг илк пойдевори ёшликдан, ҳозирдан қўйиб борилса, биз вояга етгач, ўзимиз қурган ушбу жамиятда эркин нафас олиб яшашимиз янада кафолатланади.

Мустақиллигимиз бундан ҳам мустаҳкамроқ бўлади. Ҳар қандай экстремистик кучлар, ақидапарастлар ўзларининг чиркин ғоялари билан мустаҳкам жамиятимизнинг деворларига яқин ҳам кела олмайдилар.

Даврон АЗИЗОВ,
ЎзДЖТУ қошидаги академик лицей ўқувчиси

МУЗЕЙ РАҲБАРЛАРИ ҲАМ МАЛАКА ОШИРАДИ

Республика Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" жамғармаси, Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази ҳамда Республика "Ўзбекмузей" жамғармаси ҳамкорликда "Темурийлар" музейида мактаб жамоатчилик музейлари фаоллари Республика семинар-кенгашини ўтказди. Унда, асосан, Абдулла Авлоний номидаги ХТХМОМИ шу соҳа ходимларининг малакасини ошириш ва уларга методик ёрдам кўрсатиш тавсия этилди.

Семинар қатнашчилари очиқ музейлар шаҳри бўлмиш Хиванинг тарихи, археологик топилмалари, ўзининг бетакрор бинолари, халқ таълими ва бошқа турдаги музей экспонатлари билан танишдилар. Улуғ бобокалонларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш теран маънавият оламига йўл очганлигига яна бир карра амин бўлишди. Тадбир сўнгида барча иштирокчиларга гувоҳномаларни Абдулла Авлоний номидаги ХТХМОМИ проректори Ғ.Зарипов тантанали равишда топширди.

Курс тингловчилари ХТВ ва А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ раҳбариятига Хоразм вилояти ХТБ бошқармасига, ВПХМОИ, айниқса, курс раҳбари Гавҳар Убайдуллаевваларга катта миннатдорчилик билдириб, курсларни кўпроқ вилоятларда ўтказилишига умид билдириб қолишди.

Санжар МИРСОЛИҲОВ

ХАЙР, БОҒЧА, САЛОМ МАКТАБ!

Тошкент шаҳридаги 499-болалар боғчасида тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларини боғчадан мактабга кузатишга бағишланган байрам шодиёнаси бўлиб ўтди. Гуруҳдаги 34 нафар жажжи ўғил-қизлар мактабда таълим олишга пухта тайёрланиш билан бирга инглиз тилини ҳам имкон қадар ўргандилар.

Тантанада ширинтойлар мусиқа раҳбари Умида Холиқова бошчилигида «Хайр, боғчам», «Сентябрь кулиб келар», «Биз қувноқ болалармиз», «Чамандаги гуллармиз», «Ўргатади мактаб», «Етти ёшлилар қўшиғи» сингари Ватанни, жонажон боғча, мактаб ва болаликни мадҳ этувчи шеър, қўшиқ, лапарлар ижро этиб, рақсга тушдилар. Шунингдек, мурғак қалблар инглиз тилида «Ўрмон ҳайвонлари» мавзусидаги кичик саҳна кўриниши ҳам намойиш қилдилар. Анжуман ниҳоясида мудира Моҳидил Абдуллаева боғча битирувчиларига эсдалик совғалари топширди.

Суратларда: байрам тантанасидан лавҳалар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Bolangiz maktabga tayyormi?

Ҳар бир ота-она ўз дилбандини соғлом, маънавий бой, ахлоқан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишини дил-дилдан истайди. Бунинг учун эса бола мурғаклик давриданоқ мустаҳкам пойдевор қўймоқ лозим. Пойдевор сабоқларини ёш ниҳол дастлаб мактабгача таълим муассасаларида, болалар боғчаларига қамралмаган болалар эса якшанбалик мактабларида, қўшимча таълим марказларида, маҳалла, оилада ва репититор раҳбарлигида мактабга тайёрлаш жараёнида олади. Хўш, жойларда бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти? Мухбиримиз пойтахтнинг Шайҳонтоҳур туманидаги Қўчқор Турдиев номидаги 59-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Феруза Эргашевадан ана шундай масканларда мактабга тайёрланган болалар 1-синфда ўқишни қандай давом эттирганлиги ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

Болалар боғчасига қамралмаган маҳалла болалари билан алоҳида — дарсланғич таълим муассасаси ҳамда 448-болалар боғчаси тайёрлов гуруҳларидан мактабга чиққан болалар деярли талабга тўлиқ жавоб бермади. Муассаса маъмурияти ҳам тарбияланувчилари мактабда қандай ўқиётганликлари билан қизиқмадилар. Тайёрлов гуруҳидан чиққан ўғил-қизлар шундай бўлса, болалар боғчаларига қамралмаган маҳалла болалари ҳақида нима дейиш мумкин? Боғчага борган билан бормаган боланинг орасида катта фарқ бор. Жумладан, боланинг фикри тарқоқ, нутқи паст, ручка, қалам ушлашни билмайди, болалар билан қўшилиб муомала қила олмайди, уялиб чеккада туради. Бундай болаларнинг партада ўтириш, ўртоқлари билан муомала қилиш, тинглай билиш, фикрлашга ўргатиш ўқитувчидан сабр, бардош ва масъулият талаб қилади.

Болалар боғчасига қамралмаган маҳалла болалари билан алоҳида — дарс-

АМЕРИКАДА ЎҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Қорақалпоғистон Республикаси маънавият ва маърифат марказида «Акселс» уюшмаси томонидан АҚШ таълим тизимига бағишланган семинар ўтказилди. Унда «Тинчлик» корпусининг вакиллари АҚШ таълим тизими, олий ўқув юртларидан молиявий ёрдам олиш тўғрисида маълумот беришди. Америкадаги айрим ўқув юртларидан видеолавҳалар намойиш этилди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин чет мамлакатлар билан алоқалар яхши йўлга қўйилмоқда, — деди «Акселс»нинг Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти бўйича вакили Ҳабибназар Давжанов. — Таълим тизимидаги алоқаларга тўхталадиган бўлсак, «Акселс» йўналиши бўйича қорақалпоғистонлик 50 нафар ёш йигит-қизлар АҚШнинг турли ўқув юртларида таълим олишмоқда. Семинарнинг мақсади келажакда Америкада ўқишни хоҳловчиларни бу мамлакат таълим тизими билан яқиндан таништиришдан иборат.

Туркистон-пресс

Taraddud

БАРЧАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Президентимизнинг 2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб атаганлари бутун ижтимоий соҳага кучли таъсир кўрсатди. Ғаллаорол тумани ҳокимлигида шу йилнинг феврал ойида туман фаолларининг кенгайтирилган йиғилишида тумандаги барча мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини, спорт иншоотларини оталиқ ташкилотлари, деҳқон-фермер хўжаликлари, ширкатлар уюшмалари ҳамда ота-оналар ёрдами билан тез орада жорий таъмирлашдан чиқариш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Шундан сўнг мактабимизда педагоглар жамоаси ва ота-оналар қўмитасининг умумий йиғилишида ўз болалари мактабда таълим-тарбия олаётган ҳар бир оила таъмирлаш ишларига имконияти даражасида ёрдам беришига қарор қилишди. Ота-оналарнинг кўпчилик қисми ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам ёрдам бердилар. Оталиқ ташкилотимиз — Ғаллаорол туман автомобил йўллар бошқармаси 3 та синфхонани таъмирлаб беришни ўз зиммасига олди. Мазкур бошқарма бошлиғи, Жиззах вилоят Кенгашининг депутати Абдураззоқ Адилов мактабга ичимлик суви олиб келиш учун 300 метр полиэтилен труба билан ҳам таъминланганди. "2-Жиззахқурилиш" трести бошлиғининг муовини Абдуқаҳҳор Қўчқоров эса 100 минг сўмлик қурилиш материаллари билан ёрдам берди. Ана шуларнинг ҳисобига биз мактабимизни янги ўқув йилига пишиқ-пухта тайёрлаш тараддудида турибмиз. Шу ўринда барча саховатли инсонларга, деҳқон-фермер хўжаликларига, тадбиркорларга, оталиқ ташкилотига ўқитувчилар жамоаси номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шуни айтиш керакки, мактабимизда тез орада бажарилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. 1993 йилнинг 10 апрель куни мактабнинг аввалги биносини табиий офат — сел ювиб кетганди. Мактаб зудлик билан "Истиқбол" ширкатлар уюшмасининг "Ғунча" болалар боғчаси биносига кўчирилди. Шундан кейин янги мактаб биноси қурилишининг 1-навбати, яъни 220 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бино 1997-1998 ўқув йилининг сентябрида фойдаланишга топширилди.

Мактабимизда Кетмончи, Китайиз, Болғали, Уяс, Бойтўп сингари 5 та қишлоқдан 471 нафар ўқувчи-ёшлар 19 та синф комплектига бўлиниб таҳсил олишади. Уларга 40 нафар педагог таълим-тарбия беради. Лекин бошланғич синфларимиз, яъни 9 та синф комплекти, асосий бинодан қарийб бир километр нарида, ҳалигача ўша болалар боғчаси биносида ўқишаяпти. Бу ҳақда юқори ташкилотларга вақти-вақти билан эслатиб турибмиз. Умид қиламизки, улар қурилиш режаларига бизнинг мактабимиз шарт-шароитларини яхшилаш масаласини ҳам киритадилар ва мактаб қурилишининг 2-нав-батини бошлашда бизга амалий ёрдам берадилар.

Бизга камида яна 12 та синфхона, устахона, ошхона, тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси, спорт зали, фаоллар зали, тўгарак машғулотларни ўтиш учун хоналар керак. Шундагина биз таълим стандартлари асосида, бугунги кун талабларига мос ишлаш имкониятига эга бўламиз, ўз ишларимиздан қаноатланиш ҳосил қиламиз.

Салима РИСҚУЛОВА,
Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги Ал-Хоразмий номли 20-ўрта мактаб директори

Safar taassurotlari

"ДЎСТ ХАЛҚДИРМИЗ, ЭГИЗ ХАЛҚМИЗ ҲАМИША"

ёхуд Чимкентда ўтказилган илмий-амалий анжуманнинг миллий қадриятларимиз байрамига айлангани хусусида

Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги дўстлик ва асл биродарлик илдизлари минг йиллар нарига бориб тақалади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Таълим марказининг Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти узлуксиз таълим институти билан ҳамкорликда ишлаб чиққан режасига кўра, Ўзбекистондаги таълим қозоқ тилида олиб бориладиган ва Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун дастур, дарслик ва қўлланмалар яратиш, мазкур фанлар бўйича таълим мазмунини янгилаш, янги технологияларни жорий этиш, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш бўйича белгиланган вазифалар ҳам ана шу муштаракликнинг яққол далилидир.

Сирасини айтганда, мазкур режа асосида 2000 йилнинг май ойида Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида вилоят ҳокимлиги билим департаменти, узлуксиз таълим институти, Чимкент шаҳар билим бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятдаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуман "Она тили ва адабиётини ўқитишда янги технологиялардан фойдаланиш" мавзусига бағишланди. Унда Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг тил-адабиёт ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, Қозоғистон таълими мутасаддилари, Ўзбекистон Республикаси Таълим маркази ҳамда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бир гуруҳ мутахассислари иштирок этдилар. Анжуман ялпи йиғилишида она тили ва адабиёти таълими мазмунини янгилашга оид ўнга яқин маъруза тингланди. Уларда Қозоғистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзбек мактаблари ўқувчиларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар, янги ўқув йилидан ўзбек мактаблари бошланғич синфлари дарсликлари билан тўлиқ таъминланиши ва босқичма-босқич бошқа дарсликларни яратиш ишлари давом этаётганлиги, таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, она тили ва адабиёт таълими мазмунини янгилаш ва таълим жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш, адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш каби шу куннинг долзарб масалалари хусусида гапирилди.

Анжуманнинг иккинчи кунида Чимкент шаҳридаги Ойбек, Улуғбек, Муқимий, Навоий, Ҳамза ва Чехов номидаги мактабларда семинарлар ташкил қилинди, дарслар кузатилди, таҳлил қилинди, турли кеча ва учрашувлар ўтказилди.

Юқорида зикр этилган мактабларда таълим-тарбия мазмунини янгилаш, ўқитувчиларга "Биз истеъдодларни излаймиз" рукнида танлов эълон қилинади ва ўқувчилар синов асосида саралаб олинади.

Бола қалби-худди кашф этилмаган чексиз оламга биз яхшилик ва эзгулик уруғларини қанча кўпроқ эксак ва парваришласак, ҳаётимиз янада фаровон, кўнгилларимиз чароғон бўлади. Зеро, шогирдсиз устоз, қанотсиз қушдир. Шогирдлар қанча кўп бўлса, қанотимиз кучли, парвозимиз баланд бўлади, дейди биз билан суҳбатда мактаб раҳбари Анора опа.

Дарҳақиқат, Анора опа раҳбарлигидаги Ойбек номли 14-мактабда таълим-тарбия ишлари давр талаби асосида йўлга қўйилган. Мактаб қошида ташкил этилган Ойбек музейи Тошкентдаги Ойбек уй-музейи билан ҳамкорлик ришталарини боғлаган. Беш йил бурун ташкил этилган "Юлдузча" ансамбли шаҳар, вилоят миқёсидаги тадбирларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Улар ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таклифи билан Тошкентда ўтказилган "Халқаро болалар куни"да концерт дастурлари билан қатнашдилар. Ушбу тадбирда ҳам "Юлдузча" аъзоларининг ўзбек ва қозоқ тилларида бирдек, қийналмай қўшиқ, рақс ва саҳна кўринишларини ижро этишлари анжуман қатнашчиларининг ҳам таҳсинларига сазовор бўлди.

Чимкент шаҳридаги Улуғбек номли 3-мактабга ташриф буюрган анжуман иштирокчилари ҳам мактаб жамоаси амалга ошираётган эзгу ишлардан мамнунликлари ва ҳайратларини яшира олмадилар. Мактаб ташкил этилганига қарийб 50 йил бўлган бўлса, шу давр мобайнида фаолият кўрсатган ҳар бир раҳбарнинг ларнинг касбий билимлари ва малакаларини чуқурлаштириш қаратилган ҳамда таълим ва тарбиянинг энг илғор ва самарали усулларининг амалиётга тадбиқи борасидаги ишлар анжуман иштирокчиларини тўлқинлантирди. Вилоятда ҳар бир мактаб ва ҳар бир ўқитувчи таълим-тарбия мазмунини янгилашга йўналтирилган бир муаммо устида иш олиб боради...

"Ҳар қандай таълим ва тарбияда, энг асосийси, муаллим, унинг тафаккур дунёсидир", деган эди немис педагоги А.Дистерверг. Дарвоқе, қайси дарсга кирманг, ўқитувчининг машғулотни ташкил этишдаги маҳоратида, нутқида, дунёқарашида, ўтказган тадбирларида фаолликни, ижодкорликни, изланувчанликни, давр билан ҳамкорликни кўриш мумкин.

Вилоят мактабларида она тили ва адабиёт чуқурлаштириб ўргатиладиган синфлар мавжуд бўлиб, мазкур синфнинг катта эътибор қаратаётганлигига алоҳида тўхталиб, бу ишлар қондош, жондош бўлган, урф-одатлари, суви, замини, илдизи бир бўлган икки халқ ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидладилар ва миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Анжуман сўнгида она тили ва адабиёти таълимининг соҳа мутахассисларига тавсиялари эълон қилинди. Мутахассисларо, вазирликларо ҳамда ҳукуматларо амалга оширилажак муаммолар ҳақида давра суҳбати ўтказилди.

Қозоғистондан қайтишда дўстлик хусусида суҳбатлашар эканмиз, давра суҳбатларининг бирида ҳамкасбимиз Бегмат Турдиқулов ҳикоя қилиб берган ажойиб ҳаётий ҳикоя ёдимизга тушади: Машҳур қозоқ шоири Собит Муқонов Ғафур Ғулом билан қалин дўст бўлишган. Соғинди дегунча Ғафур Ғулом Олматига йўл олган. Собит Муқонов эса "боурим" дея Тошкентга шошган. Улар учрашгач, хоҳ Тошкентда бўлсин, хоҳ Олмаотада нафис шеърий мажлислар, дўстона учрашувлар ташкил қилинган.

Учрашувлардан бирида Ғ.Ғулом С.Муқоновни азбаройи ўзига яқин тутганлигидан шундай дейди: "Агар сендан аввал дунёдан кўз юмсам, ўзинг мени охирги маконимга қўясан". Ғ.Ғулом оламдан ўтгач, С.Муқонов дўсти васиятига амал қилиб ва садоқатини билдириб, уни ўз қўли билан сўнгги манзилига қўяди.

Айтишларича, С.Муқонов дўстидан кейин ўн йил яшайди. Унинг дафн маросимига Ўзбекистондан ташриф буюрганлар орасида бўлган Н.Фозилов тириклигида қалин дўст бўлган бу икки довруқли шоирларнинг тупроқлари ҳам қўшилиб кетсин, дея Ғ.Ғуломнинг қабри ҳокидан халтачада келтирган эди. С.Муқоновнинг фарзанди Арслон ога хокни тупроққа эмас, отасининг боши остига қўяди... Эшитганлар қалбида ҳайрат, ифтихор, кўзларида эса ёш қалқитган, шу билан бирга меҳр туйғуларини уйғотган мазкур ҳикояни эслар эканмиз, дўстлик деган муқаддас туйғунинг бу беназир намунаси нафақат икки халқ ёшларининг, балки неча-неча авлод, неча-неча миллатларга шарқона эъзоз, дўстни қондош, жондош сифатида қадрлаш, ардоқлаш, миллий қадриятларимизни баланд тутиш намунаси бўлиши шубҳасиз эканлигига имон келтирдик.

Таниқли қозоқ адибаси Холбиби Есенқораева ёзганидек:

Бўлинмайлик, бўлинмайлик илойим,
Йўқотмайлик қардошлик кўрк-чиройин.
Дўст халқдирмиз, эгиз халқмиз ҳамиша,
Қўллагайдир ўзи бизни худойим.

Н.ҒУЛОМОВА,
С.ТОИРОВ
РТМ бўлим бошлиқлари

ҚАЙСИ БОҒЧАНИНГ БОЛАСИ?

— Мен раҳбарлик қилаётган 1-«А» синфдаги 37 нафар ўқувчи бошланғич таълимнинг илк сабоқларидан баҳраманд бўлдилар. Улар 84-, 448-, 461-болалар боғчаларининг собиқ тарбияланувчилари ҳамда Гулзор, Олмазор маҳаллаларида истиқомат қилувчи болалардир.

461-болалар боғчасидан мактабга чиққан 8 нафар боладан 7 таси ҳеч қандай қийинчиликсиз 1-синфда ўқишни давом эттирдилар. Бироқ Сардор исмли бола бирмунча бўшроқ. Сабаби, Сардор опаси билан боғчага борар эди. Опаси мактабга чиққач, Сардор ҳам тайёрлов гуруҳига бормай қўйган. Устига-устак мактабга ҳам бир йил кеч (1991 йилда туғилган) чиқди. Уй-рўзғор юмушларининг барчаси оилавий сабабларга кўра она зиммасида бўлганлиги туфайли у қаровсиз қолган. Кўпроқ холасининг қарамоғида бўлган. Мана шу бола билан алоҳида шуғулландим. Хуснихат, диктант олдим, бадиий китоблар ўқиб, ўқиш тезлигини оширишни вазифа қилиб бердим. Кўп ўтмай Сардор тенгдошлари сафидан ўрин олди.

461-боғчанинг услубчиси Ҳалима Дўстмуҳамедова ҳар чорақда мактабга ташриф буюриб, ўқувчиларининг мактабдаги фаолияти билан яқиндан қизиқиб турди. 84-мактабгача ва бошдан кейин шуғулландим. Доскада бир, кейин икки, сўнгра уч бўғинли сўзларни ёзиб, аввал болалар хор бўлиб, кейин эса ўзи бўғинлаб ўқиди. Шу сўзлар иштирокида гап тузилди. Масалан, мен ке-ча ма-ши-на ол-дим сўзларидан тузилган гапни бўғинлаб ўқиш, шунингдек математика дарсида ҳам санаш, тескари санаш, рақамдан кейинги рақамни топишга ўргатдим. Болаларнинг нутқини ўстиришда ўйин, карточка системасидан фойдаланишнинг аҳамияти катта бўлди. Барча фанлардан болаларнинг савияси, билимига кўра ҳар хил тузилган тест саволлари ўтказилди.

Ота-оналари ўқиш юзасидан назорат қилиб турган 7 нафар ўқувчи «Мақтов ёрлиғи» билан, 14 нафар ўқувчи «яхши», қолганлари эса «ўрта» баҳоларда ўқув йилини якунлашди.

Бола — нав-ниҳол, қай томонга эгилса эгилаверади. Истардимки, болалар боғчалари мутасадди ходимлари ҳамда ота-оналар томонидан келажаги буюк давлатимизнинг ёрқин юлдузлари — фарзандларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий бой, ахлоқан пок, комил инсон бўлиб вояга етишишлари учун ёшлик давриданоқ мактабга тайёрлаш жараёнига алоҳида аҳамият берилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА

Ajdodlarimiz

УЛАР БУ УЛУҒ УНВОНЛАР ВА БУЮК НОМЛАРГА ЛОЙИҚ

XIV-XV асрларда янги мустақил марказлашган давлат – Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва айниқса, буюк соҳибқирон бобомизнинг илм-фан ривожига катта эътибор бериши Марказий Осиёда навбатдаги уйғониш даврининг бошланишига туртки бўлди.

Мана шу икки давр мобайнида халқимиз жаҳонга юзлаб алломаларни, мутафаккирларни, илм-фан арбобларини, кашфиётчиларни, шоирларни, ислом дини намояндаларини етиштирди. Уларнинг яратган кашфиётлари, қолдирган илмий, бадиий, диний асарларидан нафақат ўша даврда, балки ҳозир ҳам бутун олам ҳайратга тушади. Бу буюк аждодларимиз ҳақида кўплаб асарлар ёзилган, ёзилмоқда, бундан кейин ҳам ёзилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз бу улкан вазифани, яъни аллома боболаримизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот бериш вазифасини бирданига уддалаш имконига эга бўлмаганимиз ҳолда, газетамиз муштарийларининг эътиборини бир нарсага қаратмоқчимиз:

Аждодларимиз бўлган буюк мутафаккирлар, алломалар шу даражада кўп, кенг қиррали ҳамда буюк илмий ишлар қилдики, бутун дунё аҳли, жаҳон олимлари уларни юксак унвонлар билан, улуғ номлар билан атаб, уларга ҳурматларини билдирганлар. Хўш, бу номлар қандай эди? Нега айнан шу номлар билан аталганлар? Улар нима маънони англатади?

Мақола муаллифи мазкур саволларга жавоб топишда Сиз азиз газетамиз ўқувчиларига ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган. Шу билан бирга, ҳар бир мутафаккир бобомизнинг ҳаёти, илмий фаолияти, кашфиётлари, қолдирган бебаҳо асарлари ҳақидаги маълумотларни ҳам қисқача баён қилишга ҳаракат қилади.

Эслатиб ўтамизки, эълон қилинаётган мақола буюк мутафаккирларнинг яшаган даврига асосланган тартибда баён этилади. Марҳамат, танишинг. Улар бу улуғ унвонларга ва буюк номларга лойиқдирлар:

Мусо ал-Хоразмий. Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Тўлиқ исми *Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий* бўлиб, 783 йилда Хоразмда туғилган. У IX аср бошларида машҳур олим сифатида танилган. Бағдоддаги Байтул Ҳикма деб номланган ўша даврнинг энг йирик илмий марказига чақирилади.

«Ал жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» (асл нусхалари ҳозир Оксфорд университетининг Бодлеяк кутубхонасида, Қобулда ва Мадинада сақланаётган бу китоб Лондон(1831), Париж(1838), Нью-Йорк (1915), Хейдельберг (1917), Берлин(1932), Қоҳира(1939) каби шаҳарларда нашр қилинган), «Ҳинд ҳисоби бўйича китоб» (XIII асрларда лотин тилига таржима қилинган. Мадрид, Рим, Вена, Мюнхен, Париж каби Европа шаҳарларида 15 мартадан ортиқ нашр қилинган), «Астрономик зиж»(асарнинг нусхалари Англия, Испания, Франция кутубхоналарида сақланмоқда. «Зиж»да астрономик масалалар, жумладан араблар, форслар, румлар йиллари ва ойларининг, шамсий ва қамарий, ҳижрий ҳисобларнинг тавсифи, кабиса йилларининг аниқланиши, кўпгина сайёраларнинг ҳаракати, Ой кенгламаси ва унинг ҳаракати каби масалалар биринчи марта очиб берилган), «Ер сурати ҳақида китоб» (ҳозир Францияда сақланмоқда. У 1879, 1882, 1895, 1915, 1916, 1919, 1926, 1968 йиллари Вена, Рим, Лейпциг, Бонн, Будапешт ва бошқа шаҳарларда нашр қилинган. Ал-Хоразмий ўз замонасида табиий жўғрофиянинг азалий муаммоларидан дарёлар, тоғлар, денгизлар, ороллар, булоқлар, гидросфера ва литосфера муносабатлари масалаларини мукаммал текширди. Мутафаккир 539 та шаҳар, 426 тоғ, 317 катта ва кичик денгиз, 264 та орол, ҳаммаси бўлиб 2400 тадан зиёд жўғрофий объектларнинг жойлашиши, координаталари ва холатлари ҳақида маълумотлар қолдирган, шунингдек, Нил дарёси, Азов, Каспий, Орол денгизлари жўрофий хариталарининг манзарасини чизиб берган эди) каби асарлари бутун дунёга машҳур.

Булардан ташқари, ал-Хоразмий «Устурлоб қуриш ҳақида китоб», «Устурлоб билан амал қилиш», «Қуёш соатлари ҳақида китоб», «Яҳудийлар эралари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола», «Тарих китоби» каби асарлар ҳам ёзган.

Ал-Хоразмий билан боғлиқ атамалар ҳозирги кунда илм-фанда термин сифатида ишлатилади. Масалан, «ал-жабр» китобининг номидан алгебра фанининг номи келиб чиққан. Оврўпаликлар узоқ вақтгача ҳинд рақамларига асосланган ҳисоб тизими (улар ҳозир «Араб рақамлари» деб аталади)ни «Алгоризм» деб атаб келдилар. Фақат XVI аср ўрталаридагина бу ном «Арифметика» ибораси билан алмаштирилади. Шундан кейин то ҳозирги кунгача «Алгоризм» ёки «Алгоритм» деганда ҳар қандай мунтазам ҳисоблаш жараёни тушуниладиган бўлди. Аслида бу сўз Ал-Хоразмийнинг юқорида келтирилган китобидаги «Дедики ал-Хоразмий» деган сўзнинг лотинча транскрипцияси — «Dixit Algorithmi» (Дедики Алгоритми) сўзидан келиб чиққан. Бу ибора билан Ал-Хоразмийнинг номи фанга абадий кириб қолди.

Ал-Хоразмий ва унинг яна бир замондоши, мутафаккир бобомиз ал-Фарғоний «Бутун жаҳоннинг буюк олими» деган номга сазовор бўлган. Манбаларда ал-Хоразмий исмига яна ал-Мажусий ва ал-Кутруббулий деган атамалар ҳам қўшиб айтилади. Буларнинг биринчиси, олим Хоразмнинг асли маҳаллий аҳолисидан, яъни оташпарастлар(«мажус» — арабча сўз бўлиб, «оташпараст» деган маънони англатади) оиласидан бўлганлигини билдирса, иккинчиси, Хоразмий умрининг сўнгги йилларини Бағдод яқинида Дажла бўйидаги ал-Кутруббул даҳасида ўтказганлигини кўрсатади.

Хуллас, ал-Хоразмий Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан дастлабки йирик олимлардан бири бўлиб, унинг қилган илмий ишлари, кашфиётлари, ёзган асарлари жуда қатта аҳамиятга эгадир. Машҳур француз олими Й.Таннери шундай деган эди: «*Хоразмийнинг асарлари Ғарбда кўп вақт арифметика соҳасидаги кашфиётларнинг манбаи бўлган, шунинг учун ҳам Хоразмий номи Европада абадийлашиб қолган*» Фан тарихшуноси Д.Сартоннинг эътироф этишича, ал-Хоразмий «*Ўз замонасининг буюк математиги, агар кенгроқ қаралса, ҳамма замонларнинг энг муҳим математикларидан биридир*». Д.Смит эса «*Хоразмий – катта илмий гениал шахс*» деб таъриф берган.

Ал-Хоразмий ҳақида батафсилроқ маълумот олишни истасангиз, «Маънавият юлдузлари» (Масъул муҳаррир М.Ҳайруллаев. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999), «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан» (Тузувчилар: М.Ҳайруллаев, Х.Алиқулов; М.Ҳайруллаев таҳрири остида. Т., «Ўзбекистон», 1995) ва бошқа адабиётларга мурожаат қилишни таклиф қиламиз. Ушбу мақолани тайёрлашда ҳам юқоридаги икки манбадан кенг фойдаланилганини айтиб ўтиш жоиз.

Газетамизнинг кейинги сонларида Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Югнакийларнинг илмий ишлари, кашфиётлари, асарлари ва албатта, улар сазовор бўлган буюк номлар ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Ботиржон ҒОФУРОВ тайёрлади.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Yangilik

Мактаб ўқувчиларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказиш ва улар учун дам олиш оромгоҳларининг мавсумга шайлиги борасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида йиғилиш ўтказилди.

Бу йил Қорақалпоғистон бўйича 10170 нафар болалар дам олиш масканларига йўл олади. Бундан ташқари, 2500 нафар ўқувчини Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги оромгоҳларга юбориш кўзда тутилган. Республикада мавжуд 33 та болалар оромгоҳларидан 23 таси мавсумга тайёр. Халқаро «Экосан» жамғармаси келтирган қурилиш ашёлари Элликқалъа туманида қурилаётган «Камалак» болалар оромгоҳига берилди.

Йиғилишда айрим туманларда болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ишларида сусткашликлар мавжудлиги айтилиб, таъмирлаш ишларини 5 июнгача тўлиқ тугатиш вазифаси юклатилди.

«Туркистон-пресс»

ВАҚТЛИ МАТБУОТ ҲАМ ТАРБИЯЛАЙДИ

Айни пайтда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида вақтли матбуотга катта эътибор берилмоқда. Ўқувчи-талабалар ўзлари қизиққан саволларга жавоблар излашиб, турли хил матбуот анжуманларида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ҳатто, жойларда таълим муассасалари ички имкониятларига қараб, ўз номига эга, лицей ёки коллеж ҳаёти, у ерда шаклланган анъаналарни тарғиб қилувчи ўз газетасини нашр қилмоқдалар.

Ана шундай янгиликлардан бири ЎМКҲТ тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёни бошланган даврданоқ кўзга ташланди. Делоят ЎМКҲТ бўйича барча вилоятлари тармоқ газекил этишиб, вилоят таълими бошқармалари асосий муассис сифатида нашрнинг сермазмун ва сифатли чоп этилишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Бухорода чоп этилаётган "Истеъдод" газетаси ҳам вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари нашридир.

Мазкур газета ўзининг доимий муштарийларига эга. Вилоят ЎМКҲТ бошқармаси маъсул ходимлари, ушбу таълим туридаги ўқув муассасалари раҳбарлари, ижодкор ўқитувчилар, ўқувчи-талабалар нашр муаллифлари хисобланади. "Маънавият қирралари", "Янги коллежлар қурилишида", "Миллий дастур – амалда!",,"Истеъдод" ахборотлари ", "Ўқинг, қизиқ!", "Янги шеърлар", "Бир чимдим кулгу" каби рукнларда вилоят таълим ҳаётидаги муҳим янгиликлар, амалий тадбирлар, мушоҳадали мақолалар ўрин олган.

Ўйлаймизки, "Истеъдод"чилар бундан кейин ҳам ўқувчи-талабаларни кўпроқ газета саҳифаларига жалб этиб, уларнинг ҳам маънавий, ҳам маърифий дунёқарашларини бойитади.

Тўрақобил ЖУМАНАЗАРОВ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИГА ҒАМХЎРЛИК

Наманган шаҳри ҳокими қарори билан халқ таълими ходимлари, таълим-тарбия муассасаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Хўжалик ҳисобидаги 8-автокорхона 17-мактабни таъмирлаш учун 400 минг сўм, «Электротерм» ҳиссадорлик жамияти 7-ўрта мактабни таъмирлаш учун 800 минг сўм, «Дон» ҳиссадорлик жамияти 34-мактаб учун 500 минг сўм, «Атлас» ҳиссадорлик жамияти 27-мактаб учун 200 минг сўм, «Комфорт» жамоа корхонаси 14-мактаб учун 107 минг сўм ажратдилар.

Бундай хайрли ишдан хусусий фирма эгалари ҳам четда қолмади. «Рисола» хусусий фирмаси раиси М. Меҳмонов 62-мактабни таъмирлаш учун 10 минг сўм, «Зумрад» хусусий фирмаси ҳам болалар боғчаси учун 10 минг сўм тақдим этдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу ўринда Наманган шаҳар халқ таълими бўлими қошида ташкил этилган «Зиёкор» жамғармаси фаолиятини ҳам айтиш жоиз. Бу жамғарма халқ таълимида ижтимоий ҳимояни амалга оширишга, илғор мураббийларни, иқтидорли ўқувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ёрдам бермоқда.

Наманган шаҳри ҳокимлиги ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом бўлиб камолга етишлари учун сидқидилдан эътибор бериб, хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Қилинаётган ишлар албатта келажакда ўз натижасини беради, деб умид қиламиз.

Кенжахон МАМАРАЙИМОВА,
Наманган шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси

ЯХШИНИ ЁР БИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Инсон — онгли мавжудот. У руҳ билан яратилган. Руҳиятнинг кушандаси эса — лоқайдлик. Айнан лоқайдлик инсоннинг ҳаётда кўп нарсани йўқотишига сабаб бўлади. Лекин, айтмоқчи бўлганимиз, лоқайдликнинг душмани — меҳрибонлик ҳақида. Меҳр қанча кўп кўрсатилса кам, лоқайдликнинг эса майда кўриниши ҳам хавфлидир. Сизга ҳавола қилаётганимиз муштипар онанинг ушбу миннатдорчилик мактуби бир инсон руҳи дарз кетишининг олдини олган меҳрибон мураббийга газета саҳифаси орқали йўлланмоқда.

Менинг тўрт нафар фарзандим бор. Ўғилларим соғлом, бақувват бўлиб ўсдилар. Улар Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 155-ўрта мактабнинг «банк» синфида ўқийдилар. Катта ўғлим бу йил Тошкент Давлат техника университетига ўқишга кирди, улардан кўнглим тўқ... Лекин кенжа фарзандим, ёлғиз қизим бироз ногирон бўлиб қолди (Сабаби мен ҳомиладорлик чоғимда бронхиал астма касалига дучор бўлганман). Қизим жуда нозик эди. 5-6 ойлик чоғида тўсатдан иситмаси кўтарилиб, биз касалхонага тушиб қолдик. У ерда уч ой даволандик. Қизимга бу оғир хасталик салбий таъсир қилди. Кеч юрди, кеч гапирди, ўз тенгдошларидан орқада қола бошлади. Ўзим ўқитувчи-руҳшунос бўлганим сабабли бу фарқ менга кўпроқ сезилар ва дилим оғирди. Биз кўп даволандик, бу орада қизим 7 ёшга тўлди. Энди у мактабга бориши керак эди. Лекин шифокорлар қизингизнинг оддий мактабга бориши оғир, дастури қийинлик қилади, деб бизга 52-сонли меҳнат таълим мактабига йўлланма беришди. Бундан мен ўзимни ёмон ҳис қилар, қизимни ўйлаб юрагим сиқилар эди. Ва Ҳамза туманидаги 155-ўрта мактаб директори Раъно Ҳамроалиеванинг олдига маслаҳатга бордим. У киши мени илиқ кутиб олдилар ва мактаб, ўқувчилар, ўқитувчилар, мактабнинг келажаги ҳақида шундай гапларни айтдиларки, менинг фикрим ўзгариб, кўнглим кўтарилди. Ҳужжатларни тўғрилаб қизим билан мактабга келдик. Мактаб қизимга ўз бағрини очди. У ўзига устоз, ўртоқлар, янги жамоани топди. Мен деярли ҳар куни қизим билан мактабга бирга келаман ва бу ерда қилинаётган ишларни кўриб кўнглим таскин топади. Қизимнинг устози Мавлудахон Жалилова ёш бўлишига қарамай, ўз касбининг фидоийси. Болаларни тушунади, уларга меҳрини бера олади ва уларнинг савод чиқаришларига эришмоқда. Қизим устозини жуда яхши кўради ва чин дилдан «Ойи, мен ҳам катта бўлсам устоз бўламан» дейди. Жисмоний тарбия, одобнома, мусиқа ўқитувчилари ҳам жуда ажойиб, болажон, ҳаракатчан ўқитувчилардир. Бу ердаги тартиб, интизом, интилишларни кўриб бемалол «Раъно опа, сизга катта раҳмат, қизимдан кўнглим тўқ» дегим келади. Чунки қизимда ўзгариш катта. У ўқишни, ёзишни ўрганди, барча тадбирларда қатнашиб юриб, тортинишлари анча йўқолди, ўзини эркин ҳис қилади. Шу кунда, айниқса, Соғлом авлод йилига бағишлаб жуда чиройли спорт байрамига тайёргарлик кўрилмоқда. Келажакни кўра олувчи, фидоий устозларга қандай миннатдорчилик билдиришимни билмайман. Бошқа ногирон, заиф боласининг касалини яшириб, ўзларини қийнаб юрган оналарга: «Болангизни бемалол Раъно опага ишониб топширинг, афсусланмайсиз, у киши сўзида турувчи инсон» -дея айтган бўлардим.

Minnatdorchilik

1-«Б» синф ўқувчиси Дилдоранинг онаси Рафиқа ЮНУСОВА

Mulohaza

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ МУТАНОСИБЛИГИ

Асримизнинг сўнгги чорагида ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олган давлатларнинг тараққиёт жараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган омиллар қаторида такомиллашган таълим тизимини яратиш ҳам албатта тилга олинади. Чунки, сўнгги бир неча ўн йиллик ишлаб чиқаришнинг энг илғор илмий ечимларга асосланган ҳолда такомиллашуви сифатли таълим самараси билан таърифланмоқда. Юксак салоҳиятли, чуқур билимли ва малакали мутахассислар ишлаб чиқаришнинг таянчи бўлиб келаётганлиги халқ таълимига бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Бугун қўлимизда давр талабларига тўла жавоб бера оладиган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бор. Давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этиб бошланди. Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишларни миллий қадриятларимиз тамойиллари асосида ташкил этишга киришилди. Булар таълим-тарбия жараёнида бир неча ўн йиллар мобайнида қарор топган таълим-тарбия усулларига чуқур ўзгартиришлар киритишни тақозо қилмоқда.

Сир эмас, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабулнинг тест синови асосида ўтказилиши халқ таълимининг қайси жабҳалари заиф эканлигини яққол кўрсатиб берди. Бугунги кунда "Нима учун кўпчилик абитуриентларнинг жавоблари самарадорлиги ҳамон паст даражада қолмоқда?" деган савол ҳаммамизни ўйлантириши лозим. Нима учун битирувчиларимизнинг кўпчилик қисми Давлат Тест маркази синовларига дош бера олмайди? Ҳолбуки, тест синовлари умумтаълим мактаблари дастури асосида ўтказилмоқда-ку!

Бизнингча, биз ҳамон тест синови талабларидан орқада қолмоқдамиз. Тўғрироғи, янгича қабул талабларига бизнинг ишимиз жавоб бера олмаётир. Битирувчи синф ўқувчиларининг тобора кўпроқ репититорларга мурожаат қилаётганлиги ҳам шундан.

Мен мактаб ўқувчиларини фақат тест синовларигагина тайёрлаш билан шуғулланиш лозим, деган фикрни айтмоқчи эмасман. Бизнинг вазифамиз ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш, ўқувчиларга чуқур билим бериш билан биргаликда, барча ўқувчиларнинг умумий савиясини имкони борича ошириш. Тест синови эса бизнинг ишимизга яна бир бор баҳо беради, холос. Барибир, тест синовларига бардош берадиган, чуқур билимли ўқувчиларни тарбиялаш фаолиятимизнинг ўзаги бўлиб қолаверади. Хўш, бу муаммони қандай ечиш мумкин?

Бу саволга "Таълимнинг янги технологияларини амалиётга изчил ва мустаҳкам жорий этиш йўли билан" деб жавоб бера оламиз. Чунки, таълимнинг шундай технологиялари яратилдики, у ўқувчига ҳозирги вақтда талаб қилинаётган ҳажмда билим бера олади. Айни пайтда, янги технологияларнинг яна бир афзал томони у ўқитишга эмас, уқтиришга, ўқувчининг ижодий меҳнати ва тафаккурига ҳам асосланади. Қолаверса, бундай технология билан пухта "қуролланган" ўқитувчиларга ҳам катта эҳтиёж сезилмоқда. Бугунги кунда қанчалик пухта билимга эга бўлмасин, эскича қолипларда ишловчи педагог талабга жавоб бера олмайди. Мана шунинг учун ҳам янгича фикрлайдиган, янгича технологияларни амалиётга изчил тадбиқ эта оладиган муаллимларнинг зарурати тобора кўпроқ сезилмоқда. Албатта, ўқитувчиларнинг сифат жиҳатдан бутунлай янги авлодини вужудга келтириш осон эмас. Лекин, кутиб ҳам бўлмайди. Демак, ўқитувчиларни тезроқ қайта тайёргарликдан ўтказиш, педагогик фаолиятга янгиликларни тезроқ ва самаралироқ олиб кириш йўлларини излаш лозим. Шу масалада илғор тажрибаларни бутун чоралар билан оммалаштириш, балки ўзига хос дарс бериш усуллари банкини вужудга келтириш лозимдир.

Янгича руҳдаги дарс ишланмалари, тарбиявий иш олиб боришнинг илғор усуллари, янгича кўргазмали воситалар билан танишиб, таълим-тарбия соҳасида фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам анчагина эканлигини сезиш мумкин.

Мактаб олдига қўйилаётган янги талаблар тарбиявий ишларнинг шакл ва мундарижасини ҳам тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Очиғи, мактабда ўқитувчи ҳукмронлигига ҳамма жойда ҳам барҳам берилгани йўқ. Тарбиявий ишни турли тадбирлар уюштириш деб тушунадиган ўқитувчилар ҳам, тарбиявий иш ташкилотчилари ҳам ҳали кўп. Ҳолбуки, бозор иқтисоди қадриятлари кундалик турмушимизга, ҳаёт фалсафамизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Кун сайин ўзгариб бораётган ҳаётга мослаша олмаслик, ўқувчини чеклаш, унинг ташаббусини бўғишдек иллатдан ҳамон қутула олмаётирмиз. Айни вақтда афсуски, ўқувчилар тарбиясига бизнинг руҳиятимизга, тарихий анъаналаримизга ёт бўлган унсурлар кириб келмоқда. Болаларни бундай таъсирлардан ҳимоя қилишнинг бирдан-бир чораси ўқувчини яхши-ёмонни ажрата оладиган даражада тарбиялаш воситасига эга бўлишдир. Шубҳасиз, бундай тарбиявий усуллар кўп. Фақат уларни кўпчиликка етказиш лозим. Мониторинг марказларида янги тарбиявий технологияларнинг камлиги бу борадаги масъулиятни ҳали тўла сеза олмаётганимиздан эмасми? Қолаверса, илгариги тарбиявий иш ташкилотчилари бугун маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосар мақомига эга бўлишди, ҳар бир мактабда психологлар бор. Мактабдаги тарбиявий ишлар мазмуни таълим мазмунига қараганда секин /ҳатто жуда секин/ ўзгараётганлиги чуқур таҳлил қиладиган масаладир. Қани энди, ҳар мактабнинг ўз қиёфаси, ўз тарбиявий усуллари, ўз йўли бўлса...

Очиғини айтганда, умумтаълим мактабларида тарбиявий ишнинг ҳамон эскича қолипда, тарқоқ ҳолда ташкил этилишига ҳалигача тоқат қилиб келаяпмиз. Яқинда Президентимиз И.Каримов бошчилигида ўтказилган миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда айтилган фикрлар мактабда тарбиявий ишларни тамомила қайта кўриш масаласини кун тартибига қўяди. Биз қанчалик кўп ва хилма-хил тарбиявий тадбирларни амалга оширмайлик, кўп ҳолларда улар ўртасида ўзаро мутаносиблик етишмай қолади. Бу тарбиявий иш мутасаддиларининг мафкуравий йўналиши аниқ эмаслигидан далолат бермасмикан?

Бизнинг тарбиявий тадбирларимиз, умуман, барча тарбиявий ишимиз ягона миллий мафкурамиз тамойилларига асосланган бўлиши лозим.

Билдирилган ушбу мулоҳазалар кўпроқ қишлоқ мактабларига алоқадор. Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, қишлоқ мактабининг ўзига хос муаммолари бор. Уларнинг мавжудлиги қанчалик аниқ бўлса, уларнинг ечимини топиш мажбурияти ҳам шунчалик аниқдир.

Гап айланиб яна ўқитувчи шахсига тақалади. Давр ўқитувчи олдига жуда катта вазифалар қўймоқда. Лекин, ҳамма ўқитувчиларимиз ҳам бу вазифаларни уддалашга қодир эмаслиги аён. Демак, педагог кадрларнинг малакасини ошириш уларни қайта тайёргарликдан ўтказиш бу борада жуда катта аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Саидаҳмад МИРЗАБЕКОВ

Fanimiz fidoiylari

ИЛМДАН БИР ШУЪЛА ДИЛГА КЎЧГАНДА....

Миллатимизнинг мардона ички дунёсини, бутун борлигини акс эттираолган ўткир ва битмас туганмас маъно хазиналарини, ифтихор ила ўзбек тилини рўёбга чиқишига астойдил бел боғлаган ва ўз ҳиссасини қўшган устозлардан бири Ёрмат Тожиевдир.

Забардаст тилшунос олим 1962 йил 1 сентябрдан то шу кунга қадар Тошкент Давлат университетида, бугунги миллий университетда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбек тилшунослигини доимий кўз-кўз қилмоқ иштиёқида бўлган нодир ижод соҳиби, 1967 йилдан эса профессор лавозимида ишлаб келди.

1990 йилдан 1995 йилгача "Ўзбек нутқи маданияти" кафедрасининг мудири вазифасида ишлади.

1974 йилда номзодлик, 1992 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Туганмас бир ифтихор билан шуни таъкидлаш лозимки, профессор Ё. Тожиев 1967 йилдан буён ўзбек тилшунослигининг "Ҳозирги ўзбек адабий тили" курсининг бўлимлари, "Ўзбек тилунослиги тарихи" ҳамда "Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари" курслари бўйича сермазмун маърузалари билан ўз мухлисларини топди. "Ўзбек тилида сўз структураси", "Эргаш морфемаларнинг семантик - грамматик ва услубий хусусиятлари" мавзуларида махсус курслари билан кўпчилик толиби илмларнинг кўнгил мулкига аллақачон айланиб улгурганлиги шубҳасиз.

Ё.Тожиев 4 та монография, 10 дан зиёд дарслик ва қўлланмалар, методик тавсиялар, кўплаб илмий тақриз ва мақолаларнинг муаллифи бўлиши билан бирга давлатимизнинг кадрлар тайёрлаш борасидаги сиёсатига жавобан кўплаб ёш кадрларга кўмакдош бўлиб раҳнамолик қилиб келмоқда. "Давлат тили" ҳақидаги қонунларни амалга оширишда билимдон ижрочига хос йўлдан бормоқда.

Маънавиятимизнинг уйғоқлиги, мустақиллигимизнинг барқарорлиги, она-тилимизнинг умр боқийлиги абадият хазинасига қўшилган қатра томчи бўлса-да, ўша мисқоллар терилган дурларнинг соҳиблари бўлган устозларимиз олдида бош эгамиз.

Эъзоз ва эҳтиромларга ҳамиша лойиқ, илм нури дилларни нурафшон қила олган севимли устозимиз ақлий тафаккурингизга, илмий кашфиётларингизга, касб-корингизга Яратгандан шукроналар, баракотлар тилаб қоламиз.

Нилуфархон ЮЛДАШЕВА,
А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти "Ижтимоий фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси

ЁНҒИН ЧИҚМАСИН, ДЕСАНГИЗ...

Болажонлар орзиқиб кутган таътил бошланиб, дам олиш оромгоҳлари ҳам ўз тарбияланувчиларини кутиб олди, энди ўқувчилар дам олиш оромгоҳларида, шаҳарликлар қишлоқдаги буви-бувасиникида ёзги таътилни ўтказишади.

Таътил давомида дам олувчилар турли қоидаларга риоя қилишлари керак, шулардан бири — ёнғин хавфсизлиги қоидаларидир.

Тошкент шаҳар Ёнғиндан Сақлаш бошқармаси ходими ички хизмат лейтенанти Феруза Саъдуллаева мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Халқимизда: "Олов дўст — олов душман", деган ибора бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат инсонларга қувонч, иссиқлик бахш этувчи оловдан тўғри фойдаланилса, беминнат хизмат қилади, агар озгина тизгинидан чиқса ёки нотўғри фойдаланилганда ғам-ташвиш олиб келади, кулфатларга сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам ёнғиннинг олдини олиш ҳозирги кунда энг муҳим масалалардан бири ҳисобланиб келмоқда.

Ёш болалар катталарга тақлид қилишни жуда яхши кўришади. Рўй бераётган барча кўнгилсиз воқеаларга ўзимизи сабабчи бўламиз. Айниқса, болаларни эътиборсиз қолдириш натижасида содир бўлаётган ёнғинларни эслатиб ўтиш жоиз.

Фарзандларимизнинг шўхликлари туфайли нафақат хонадонларда, шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим масканларида ҳам ёнғинлар содир бўлиши ҳоллари учраяпти.

Шу боис ҳам ёнғин назорати ходимлари мактаб, дам олиш оромгоҳларида, болалар боғчаларида бўлиб, ўқувчилар, тарбияланувчилар билан ёнғиндан сақланиш тўғрисида суҳбатлар ўтказиб туришибди.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ САҚЛАШДА ҚУЙИДАГИЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

Болалар оромгоҳида ёнғин хавфсизлигига қарши жавобгар шахс бўлиши керак.

1. Оромгоҳда болаларни ёнғин ва табиий офатдан қутқарув чизмасини чизиб қўйиш;
2. Маъмурият томонидан оромгоҳда кечки ва кундузги навбатчилик режасини чизиш ва улар билан иш олиб бориш;
3. Йўлаклар ва эшик олдиларини ҳар хил нарсалар билан тўсиб қўймаслик;
4. Оромгоҳ хоналарини бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан таъминлаш ва уларнинг тозалигини текшириш;
5. Ёнғин ҳақида хабар берувчи шаҳар алоқа тармоғи билан таъминлаш;
6. Ўқувчи болалардан ёш кўнгилли ўт ўчириш гуруҳи тузиш ва улар билан машғулотлар ўтказиш;
7. Ҳар хил ёнувчи моддалар оромгоҳ ҳовлисидан ташқарида сақланиши ва вақти-вақти билан тозалаб турилиши;
8. Ойна ромларига ва эшик олдиларига металл панжаралар қўймаслик;
9. Баланд қаватли биноларда ёш болаларни 1-қаватга жойлаштириш;
10. Ётоқхоналарда кроватлар орасидаги масофа сақланиши;
11. Чордоқларда ҳар хил ёнувчи нарсалар сақланмаслиги;
12. Вақтинчалик электр тармоқларидан фойдаланмаслик;
13. Катта электр қутиларининг эшиги доимо ёпиқ бўлиши ва қўлбола ҳимоялардан фойдаланмаслиқ;
14. Хоналарда электр иситгич асбобларидан фойдаланмаслик ва телевизорларни болалар олдида қаровсиз қолдирмаслик;
15. Оромгоҳнинг очилиш ва ёпилиш вақтида бўладиган байрам гулханини ёққан вақтда, очиқ жой ва бинолар орасидаги масофа 50 метр бўлиши керак.

Ёнғин чиққан вақтда оромгоҳ маъмурияти қуйидагиларни билиши лозим:

а) Тез орада телефон орқали ёнғиндан сақлаш бўлимига, "01"га қўнғироқ қилиш ва ёш кўнгилли ўт ўчириш гуруҳини йиғиш;

б) болаларни қутқариш чораларини кўриш;

в) ички бирламчи ўт ўчириш воситалари билан ёнғинни ўчиришга киришиш;

г) ёнғиндан сақлаш бўлими ходимларини кутиб олиш, қаерда ва нима ёнаётгани ҳамда қандай чоралар кўрилгани ҳақида хабар бериш.

Ушбу эслатма оромгоҳ маъмурияти билан бирга ўрганиб чиқилиши ҳамда кўринадиган жойга осиб қўйилиши керак.

Азиз дам олувчилар! Ўт балосидан сақланиш учун барча чора-тадбирларни қўллаш, сизнинг мароқли дам олишингиз омилидир.

Ш.МАДРАҲИМОВА ёзиб олди.

Фақат тангри суйганларга Ишқ-муҳаббат ёр экан.

Болалар театрида ишлайдиган актёр ёки режиссёр кичкинтойлар психологиясини, уларнинг англай олиш қобилиятини чуқур ҳис қилиши шарт.

Ko'ngil bitiklari

"ТИТАНИК" ФИЛЬМИДАГИ ҚАҲРАМОННИНГ ХАЁЛЛАРИ

Илк севгимни асрай олмай,
Сени бериб қўйдим-ку!
Бу дунёда сенсиз яшаш
Мушкул экан, тўйдим-ку!

Сув париси олиб кетди,
Сени денгиз қаърига.
Чидагайман айрилиғу,
Жабру-ситам барига.

Қай мўъжиза тирик қолдим,
Жавоб топмам то ҳануз.
Севгим умрим баҳорида,
Мисли бевақт келган куз.

Душвор экан, жафо чекмай,
Севишганлар бир бўлмоқ!
Кунда куйиб, кул бўлишдан,
Осон эди-ку ўлмоқ!

Балки, руҳинг асрадим, у
Муҳаббатга сайқал деб.
Оташингда куйган жоннинг,
Вафосига ҳайкал деб.

Балки, сени йўқ деганга,
Тирик гувоҳ бўлурман.
Мендан қолгач, ёлғон дунё,
Номинг айтиб ўлурман.

Кузатсалар сўнгги йўлга,
Сени топиб олурман.
Қийғоч кўз сув парисидан,
Сени тортиб олурман.

Сўнг руҳимиз бирга яшар,
Токи дунё бор экан.
Фақат тангри суйганларга
Ишқ-муҳаббат ёр экан.

ОНАЖОН

Нозик оёқларинг толди
Қишлоғимнинг йўлларида.
Онаизор ризолигинг
Истаб сароб чўлларида.

Кечдинг, синглим, ўйин-кулгу
Фароғату кайф-сафодан.
Уч фарзандни ўстирдинг, гул
Юзни буриб, куй-наводан.

Ёлғизгина сингилни ҳам,
Узатдинг сен она бўлиб.
Отам кўрса камолингни
Дебон юрак қонга тўлиб.

Онагинанг оёғию,
Ҳам қўллари бўлдинг, жоним.
Яратгандан шифо тилаб,
Армонларга тўлдинг, жоним.

Саратоннинг иссиғию,
Қишнинг совуқ куни демай,
Муносиб қиз бўлсин дея,
Гоҳ луқма еб, гоҳи емай.

Эвоҳ, қалам тутган қўлим,
Ёзмоқликдан товлар бўйнин,
Онаизор ташлаб кетди,
Ўзи интиқ кутган тўйни.

Инсон дея аталган зот,
Сабр-тоқат қули экан.
Яратганнинг сабрлиси,
Жаннатнинг ҳам гули экан.

Онам руҳи шод бўлсин деб,
Тўйни давом эттирдинг сен,
Кечдинг ўздан қутлуғ уйга,
Покиза бахт келтирдинг сен.

Армон бўлиб қолмасин-ей
Келинпошша юз очар деб.
Неки удум адо қилдинг,
Ўйлар тузиб, ясадинг сен.

Эрта тонгда кенг ҳовлини,
Аччиқ фарёд тутиб кетди.
Тўй шуури, гашти, бари
Бир лаҳзада ёниб кетди.

Сен ҳақингда билмаганлар,
Не десалар, деяверсин.
Андоза олмоқ бўлганлар
Сенга томон келаверсин.

Битта ўзбек аёлида,
Шунча ҳикмат, шунча қудрат.
Фарзандларинг камолин кўр,
Эл айтди-ку сенга раҳмат.

Таърифингни билмоқ учун
Нозик сўзлар изламадим.
Ёлғон-ёлғон сўзлар билан
Тил учида бўзламадим.

Қишлоқича, содда қилиб,
Сифатингни достон қилдим.
Шеъриятнинг кенг саҳнида
Мўъжазгина бўстон қилдим.

Дилором МАҲМУДОВА,
Андижон туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси

БОЛАЛАР ТЕАТРИ КАТТАЛАР ТЕАТРИДАН ЯХШИРОҚ БЎЛИШИ КЕРАК

Фарзандларимизнинг баркамол, маънавий етук инсон бўлиб тарбияланишларида театр санъатининг ўзига хос аҳамияти бор албатта. Хўш, бу борада қандай вазифалар амалга оширилди? Миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган спектакллар пайдо бўлдими? Юқоридаги саволлар билан Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимовга мурожаат қилдик.

— Дарҳақиқат, мустақиллик театр санъати ривожи учун кўп нарсалар инъом этди, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз, — Хусусан, Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрида фарзандларимизга миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз акс этган спектакларни саҳналаштиришга катта эътибор қаратилган. Чунончи, Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасини режиссёр Валижон Умаров, туркий халқларнинг «Қўрқут ота» достони асосидаги «Оқ бўрилар» номли спектаклни Авлиёқули Ҳожиқулиев саҳналаштиришди. Бундан ташқари, Авлиёқули Ҳожиқулиев яна бир хайрли ишга қўл уриб, халқимизнинг «Ошиқ Ғариб» достони асосида «Дарбадар Ғариб» саҳна асарини яратди. Яна бу талантли режиссёримиз «Алпомиш» достони асосида янги спектаклни саҳнага олиб чиқиш арафасида турибди. Камина эса машҳур француз ёзувчиси Жан Батист Мольернинг «Учар табиб» асарини (бу асар Шароф Бошбеков ёрдамида ўзбекчалаштирилган) ёш томошабинларга ҳавола этдим. Чунки фарзандларимиз нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиёти дурдоналаридан ҳам баҳраманд бўлишлари керак-да.

— Олимжон ака, сиз илгари катталар театрида ишлагансиз. Фарғона театрида сиз саҳналаштирган «Темир хотин», «Тошкентга саёҳат» комедиялари аллақачон халқнинг севимли спектаклларига айланган. Айтингчи, болалар театрининг ўзига хослиги нимада?

— Мен биринчи навбатда

San'at

режиссёрман. Биласизми, режиссурада катталар ва болалар режиссураси деган гап йўқ. Лекин болалар театрида ишлаш алоҳида масъулиятни талаб этади. Бу ҳақда руслар-нинг буюк режиссёри Наталья Сац шундай деган эди: «Болалар театри ҳам катталар театрига ўхшаш, фақат ундан яхшироқ бўлиши керак». Ҳаққоний фикр. Чунки, болалар театрида ишлайдиган актёр ёки режиссёр кичкинтойлар психологиясини, уларнинг англай олиш қобилиятини чуқур ҳис қилиши шарт. Шукрки, ушбу театрда янгича мазмун, янгича шакл асосида иш кетяпти. Натижа ёмон эмас. Шу ўринда айримларнинг болалар учун махсус асарлар асосида спектакл яратиш керак, деган даъволари нотўғри эканлигини айтмоқчиман. Аксинча, ёш қалбларни мушоҳада қилишга ундайдиган, фалсафий, теран маъноли асарларни кўпроқ саҳналаштириш даркор. Очиғи, театрда болажонларни ҳайратга солиш, уларга янги гап айтиш мушкул иш. Лекин шу ишнинг уддасидан чиқмасак болалар театрининг келажаги йўқ деяверинг. Ниятим, театримизга фарзандларимиз ота-оналари билан бирга келишса, спектакларимизни ёнма-ён томоша қилишса. Ана шунда саҳна асарининг болага таъсири янада кучаяди. Дарвоқе, ҳамшаҳарларимиз учун қувончли хабар: Германиянинг Мюнхайм шаҳрида октябрда ўтадиган халқаро театр фестивалида бизнинг театр жамоамиз ўзининг «Боз масхарабоз» спектакли билан қатнашадиган бўлди.

— Болажонларимизга келгусида қандай янги спектакллар ҳадя этасизлар?

— «Алпомиш» достонининг саҳна варианти устида жиддий иш кетаётганлигини юқорида айтдим. Бундан ташқари Италия драматурги Карло Гоццининг «Бувига айланган қирол» асарини ҳам болаларга ҳавола этамиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Акбар ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

Xullas...

САЙРДАН СЎНГГИ ФОЖИА

Қафасдаги йиртқичлар ҳам озодлик истайдилар. Ҳазрат Навоийнинг сатрлари ёдингиздадир: " Олтин қафас ичра гар қизил гул битса, Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш".

Варшава циркига томоша учун келтирилган учта йўлбарс кутилмаганда ташқарига отилиб чиқишди. Бақир-чақир, саросима бошланди. Аммо йиртқичга ким ҳам бас кела оларди?

Йўлбарсларнинг иккитаси "инсофли" экан. Улар сайрдан сўнг ўз "иш жойлари"га қайтиб келишди. Аммо учинчиси буни истамай шаҳар кўчаларида санқиб, одамларнинг юрагини ёраёзди. Ола-була "артист"ни қўлга олиш учун ухлатувчи доридан ўқ узилди. Йўлбарсни ўзига келтириш учун уринган ветврач кутилмаганда бошидан зарба еди. Жон талвасасида ётган йиртқичнинг ўзи ҳам кўп ўтмай ҳаёт билан видолашди.

Цирк артистларининг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш. "Ҳамкасб"ларини сўнгги манзилга кузатиш учун темир панжарага солдилар. Шунга айтсалар керак-да, кувонч ва қайғу ёнма-ён юради деб...

МАҲБУС ҲАҚ ТЎЛАЙДИ

АҚШнинг Флорида штатидаги Майам-Дейд округида амалиётга жорий қилинган қонун ҳаммани ҳайратга солди. Озодликдан маҳрум қилинганлар қамоқхонада "яшагани" учун 2 доллардан пул тўлайдилар. Меҳмонхона хизматидан фойдаланган мижозга қандай тартиб бўлса, уларга ҳам шундай. Битта фарқли жиҳати шундаки, улар жиноятчиликнинг жамиятга етказаётган салбий таъсири ҳақидаги маърузаларни тинглайдилар.

"Бундай тартибнинг йўлга қўйилиши жиноят кўчасига кираётган шахсларни ҳушёрликка ундайди", дейди бу ҳақда округ ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаменти бошлиғи Лойс Спирс.

Оқилона тадбир. Нима учун давлат халққа ва жамиятга зарари теккан жиноятчини фалон йилга текиндан-текин боқиши, парваришлаши керак экан?

БИР ТУП ЎРНИГА... ХИЁБОН

Суд ҳукм чиқарди: кесилган бир туп дарахт ўрнига янги ниҳоллар ўтказилсин. Гап шундаки, Молдавиянинг Окница шаҳарчасида яшовчи она-бола Корсанлар бир туп дарахтни уз шахсий манфаатлари учун кесаётган пайтда қўлга олиндилар. Катта миқдордаги жаримани тўлашга пуллари йўқ. Табиатни муҳофаза қилувчи инспекция айбдорларнинг "иши"ни судга ошириб, қатъий ҳукмни талаб қилишди.

Бир туп дарахтни кесганлиги учун бутун бошли хиёбонни вужудга келтириш керак. Бу ҳукм табиат бойликларига ҳужум қилаётган нусхаларнинг кўзини мошдай очадиган бўлди...

ana shunaqa gaplar...

Sport

САДИРИН КЕТДИ

Ўзбекистон терма жамоасига қисқа вақт мураббийлик қилган Павел Садирин Россияга қайтиб кетди. У Олег Долматов ўрнига ЦСКА клубига бош мураббий бўлди. Терма жамоамиз Ливан-2000 Осиё чемпионатига кимнинг бошчилигида бориши ҳозирча номаълум бўлиб турибди.

ЭРАЛИ, БАҲРОМ, МАХТУМҚУЛИ

полвонлар Анталияга — II жаҳон чемпионатига борадиган бўлишди. Саралаш вазифасини ўтовчи Самарқандда бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида ушбу полвонлар ғолиб чиқишди. Финалда Э.Маҳмарасулов Т.Муҳаммадиевни, Б.Авазов Ф.Очиловни, М.Маҳмудов Э.Акбаровни мағлуб этдилар.

МАНАС КУБОГИ

Кикбоксинг бўйича Бишкекда бўлиб ўтган Манас кубоги мусобақаларида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Ҳ.Худойқулов 1-, Н.Бобомуҳаммедов ва Н.Қодировлар ўз вазн тоифаларида 3-ўринни эгаллашди.

САМБОЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Қозоғистоннинг Уралск шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 400 га яқин кучли самбочилар иштирок этишди. 16 медаль соҳиби бўлган Ўзбекистон терма жамоаси умумкоманда ҳисобида 2-ўринни эгаллади. 1-ўрин Қозоғистон, 3-ўрин Мўғулистон жамоаларига насиб этди.

БАРТЕЗ "МЮ"ДА

Жаҳон чемпиони Фабъен Бартез "Манчестер Юнайтед" клуби билан шартнома имзолади. Бир қанча нуфузли клублар таклифини рад этган Роберто Карлос эса "Барселона" билан яна 5 йилга шартномани узайтирди.

maydonchasi

Mutaxassis maslahati

ГИЖЖА (ГЕЛЬМИНТОЗЛАР)ДАН САҚЛАНИНГ

Гижжалар ва улар қўзғатадиган касалликлар ҳақидаги таълимот академик Г.К. Скрябин томонидан илмий асосланиб ривожлантирилган. Ҳозир одам организмида паразит бўлиб яшайдиган гижжаларнинг 250 хили маълум. Гижжалар 4 гуруҳга бўлиниб, Нематодлар (узун юмалоқ шаклида), Цестодлар (узун лента шаклида), Трематодлар (сурувчи), Онкоцерклар (боши тиканга ўхшаш гижжалар)дан иборат. Мамлакатимизда нематодлар, цестодлар ва трематодлар кўп учрайди.

Гижжалар личинкалари қай йўл билан одам организмига киришига қараб иккига бўлинади: личинкаси одам оғзи орқали кирадиган гижжалар перорал гижжалар, тери орқали кирадиганлари перкутан гижжалар деб юритилади. Гельминтоантропонозларда гижжа тухуми ва личинкаси ахлат орқали чиқарилади (аскаридоз, трихоцефалез, тениоз, териоринхоз). Гельминтозоонозларда гижжалар ҳайвонлар организмида (эхинококкоз, альвиококоз) ёки одам ва ҳайвон организмида паразитлик қилади (дифиллоботриоз, фасциолез, ористорхоз).

Айрим болалар мактабгача тарбия ёшида иштаҳасизлик билан овқатланадилар, кўнгил айниш ва қорин оғриғидан шикоят қиладилар. Баъзилари безовталаниб ухлайдилар, тишларини ғижирлатадилар, ёстиқлари эса кечаси оққан сўлакдан доғ бўлиб қолади. Учинчи бирлари рангсиз бўлиб, тез толиқадилар, бош оғриқдан шикоят қиладилар. Бу ҳодисаларнинг сабаби организмда гижжанинг борлигидир. Гижжа ичакка ёпишиб олиб, ейилган овқатнинг бир қисмини ейди ва ҳар доим ўзидан заҳарли моддалар ажратади, бу моддалар бола қонига сурилиб, организмни заҳарлайди.

Гижжа касалликлари кўзга яққол кўринмай, сезилмас-сезилмас кечиши мумкин. Бироқ шундай ҳолатда ҳам зарарли таъсир кўрсатади. Ичак деворларига ёпишиб олиб гижжа уни шикастлайди, шиллиқ пардада майда жароҳатлар ҳосил қиладики, бу баъзан қон кетишигача олиб боради. Улардан айримларининг масалан, аскаридалар, кўп тарқалган юмалоқ гижжаларнинг личинкалари тухумдан чиқиб, ичакнинг қон томирлари деворларини тешади ва қоннинг оқими билан бутун организм бўйлаб ҳаракат қилиб ўпкага бориб етади, у ерда яна қон томирлар деворларини тешиб, кейин эса ўпка пуфакчаларини тешади. Агар гижжа кўп бўлса, ичакка йиғилиб қолиб, ичакни нарса ўтказмайдиган ҳолга келтириб қўйиши мумкин. Гижжалар ва уларнинг личинкалари турли органларга кириб олиб (жигар, мия, ўпкаларни) шикастлаши мумкин.

Одам организмида яшайдиган йирик гижжаларнинг кўпи, жуда кўп миқдорда микроскопдангина кўринадиган майда тухумлар ажратади, улар нажас билан бирга тупроққа, сув ҳавзалари, нобоп қудуқларга тушади, оёқ кийимдаги чанг билан хонага олиб кирилади ва турли уй-рўзғор буюмлари ҳамда ўйинчоқларга ўтиб қолади.

Агар бола овқат, сув ёки ювилмаган резавор ва меваларни, сабзавотларни истеъмол қилса ва шунда етилган тухум ёки гижжа личинкасини ютиб юборса ичакда зарарли қуртлар пайдо бўлади. Жунида гижжа тухуми бўлган уй ҳайвонлари (мушук, кучук) орқали ҳам гижжа ўтиши мумкин. Агар бола мушук, кучукни силаб қўлини тозалаб ювмасдан овқатланса, тухум оғзи орқали ичакка тушиб гижжа касаллигини келтириб чиқаради.

Гижжа ўтишининг олдини олиш учун бола овқатланиши олдидан, ҳожатдан кейин, уй ҳайвонлари билан ўйнагандан ҳам, умуман қўли кир бўлганда уни тозалаб ювиши лозим. Бола тирноғини тишлаб узмаслиги учун уни доим олиб туришга эътибор бериш керак. Шунингдек, оёқларида гижжа тухумини ташувчи пашша бўлмаслиги, хона ҳар куни ҳўл латта билан артиб турилиши зарур. Агар аҳоли яшайдиган жойда канализация бўлмаса, ҳожатхона, кир ўра, ахлатхоналарда гигиеник меъёрларга риоя қилиш жуда муҳимдир.

Ҳар йили тиббиёт муассасаларида болаларни синчиклаб кўрикдан ўтказишда врачлар ахлатнинг лабораторияларда текширилишини тавсия этишади. Ахлатда гижжанинг бирор турининг тухуми борлиги аниқланса, гарчи болаларнинг соғлигида кўзга ташланадиган ҳеч қандай ўзгариш бўлмасада, даволаш курсини тўлиқ ўтиши керак. Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, гижжаси бўлган болалар организми бошқа касалликларга қарши жуда суст курашади. Бундай болалар жисмоний ва интеллектуал ривожланишидан орқада қола бошлайди.

Бола ҳаётининг дастлабки йили энг маъсулиятлидир. Бу даврда бўлажак инсон соғлигига, унинг жисмоний ва ақлий ривожланишига асос солинади. Болалик — инсон ҳаётининг энг муҳим даври, бўлажак ҳаётга тайёргарлик эмас, балки ҳақиқий, ўзига хос, такрорланмас ҳаёт. Бугунги кичкинтойнинг қандай одам бўлиб етилиши кўп жиҳатдан унинг болалиги қандай ўтганлигига, ким уни етаклаб боғчага олиб борганига, теварак-атрофидаги оламдан унинг ақл-идроки ва юрагига нималар кирганига боғлиқ.

Зоҳиджон РЎЗМЕТОВ,
Сирғали туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлинмаси мудири

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат Авиация Институти қуйидаги лавозимлар учун

Танлов эълон қилади:

1. Учиш аппаратлари ишлаб чиқариш технологияси кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 4,5 штат бирлик
— ассистент — 0,5 штат бирлик

2. Учиш аппаратлари деталларини ишлаб чиқариш технологияси кафедраси бўйича:
— ассистент — 0,25 штат бирлик

3. Учиш аппаратлари конструкцияси ва уларни лойиҳалаш кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 5,75 штат бирлик
— ассистент — 0,25 штат бирлик

4. Учиш аппаратлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 8,5 штат бирлик
— ассистент — 1,25 штат бирлик

5. Учиш аппаратлари ва авиадвигателлар техник эксплуатацияси кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 4,75 штат бирлик

6. Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг радиоэлектрон жиҳозлари кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 3 штат бирлик
— ассистент — 0,25 штат бирлик

7. Учиш аппаратлари ва аэропортларнинг электр жиҳозлари кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 1,25 штат бирлик

8. Назарий электротехника ва электроника кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 2 штат бирлик

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:
— Ариза
— Шахсий варақа (сўровнома)
— 2 дона сурат
— Илмий ишлар ва мақолалар рўйхати
— Дипломлардан нусха

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси 12-уй, ТДАИнинг Фуқаро авиация факультети ўқув биноси 1-қават (Илмий котиб).

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат Авиация Институти қуйидаги лавозимлар учун

Танлов эълон қилади:

1. Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 7,5 штат бирлик
— ўқитувчи — 2 штат бирлик

2. Олий математика ва информатика кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 5,25 штат бирлик
— ўқитувчи — 3 штат бирлик

3. Физика ва химия кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 1,75 штат бирлик
— ўқитувчи — 0,25 штат бирлик

4. Чизма геометрия ва машина графикаси кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 4 штат бирлик

5. Амалий механика кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 2,5 штат бирлик

6. Жисмоний тарбия кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 2 штат бирлик

7. Тиллар кафедраси бўйича:
— катта ўқитувчи — 4,75 штат бирлик
— ўқитувчи — 4,5 штат бирлик

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:
— Ариза
— Шахсий варақа (сўровнома)
— 2 дона сурат
— Илмий ишлар ва мақолалар рўйхати
— Дипломлардан нусха

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси 12-уй, ТДАИнинг Фуқаро авиация факультети ўқув биноси 1-қават (Илмий котиб).

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва ҳуқуқшунослик факультети жамоаси «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ фанлари» кафедрасининг катта ўқитувчиси Шуҳрат Қобуловга волидаи муҳтарамаси

ЎҒИЛОЙ ая ҚОБУЛОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси араб филологияси кафедраси катта ўқитувчиси Ходжаев Музаффарга онаси

САЙИДХОНОВА РОҲИЛА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА ва Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Нурлан УСМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-517. Тиражи 35.358.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 18.00.